

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 30 (66005)  
1997 йил, 16 апрель, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда



## ВАТАН АЪЛОЧИЛАР

Ватан! Нега Ватан сузини тилга олганимизда ҳаяжонланамиз? Унда яралиб, тугилиб, бағрида камол топганимиз учунми? Биз киндик қонимиз тукилган муқаддас заминни Ватан деб атаймиз. Баъзида чуқур уйга толасан киши. Наҳотки миттигина юрак бутун бошли Ватан тушунчасини, Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни сизгидура олса. Икки синфдошим бу ҳақда суҳбатлашаркан, улар ҳам уз Ватанларини ниҳоятда севишларига ишонч ҳосил қилдим.

— Ватанимни жуда-жуда севаман. Ардоқлайман, — деди

синфдошларимдан бири Зебунисо Неъматова. — Янада гуллаб-яшнашига қўлимдан келган ҳар қандай юмушни бажо келтиришга тайёрман.

Ҳа, Ўзбекистонда мустақиллик шабадаси эсди. Йўқ, бу шабада эмас, шабада уткинчи. Озодлик эса мангудир.

— Ватанни севмайдиган инсон йўқ, — дея суҳбатга қўшилди Дилшод Муродов. — Мен ҳам

диёрим Ўзбекистонни бутун вужудим ила севаман. Ўзбекистон — менинг меҳрибон онам, муқаддас бешигим. Покиза отонам. Кенг ҳовлим, азиз маҳаллам, гузал шаҳрим, дунёга машҳур республикам. Бу тупроқда, бу юртда Қодирий, Чулпон, Усмон Носир каби ҳақиқий ватанпарвар, Ватан учун жон фидо қилган мард урғонлар етишиб чиққан. Бу муқад-



дас заминда қадимда ҳам Ибн Сино, Навоий, Амир Темур, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди сингари ажойиб қурқмас, адолатли ажлодларимиз утган.

Синфдош дусларим Зебунисо ва Дилшоднинг юракдан жушиб айтган сузлари Ватан сузининг салмоғи, мазмуни ва унинг муқаддас эканлигидан далолатдир.

**Мунис ЎРОҚОВА,**  
**Шофиркон туманидаги**  
**23-ўрта мактабнинг**  
**10-синф ўқувчиси.**



### ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ҚУРУЛТОЙИ

Ун биринчи апрелда Истанбул шаҳрида туркий давлатлар ва жамоаларнинг дустлик, қардошлиқ ва ҳамкорлик бешинчи қурултойи очилди. Унда туркий давлатлардан, Россиядаги мухтор турк жумҳуриятларидан, Европа, Америка, Австралия, шунингдек, дуненинг турли бурчакларида яшайтган туркий қавмлардан вакиллар қатнашди. Ўзбекистон Маданият ишлари вазири Х.Жураев бошчилигидаги республикамиз ҳайъати ҳам анжуманда иштирок этди. Қурултой Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг раҳнамолигида беш йилдан буён мунтазам утказиб келинади. Унинг асосий мақсади туркий тилда сузлашувчи мамлакатлар давлат ва жамоат ташкилотлари уртасида узаро манфаатли муносабатлар урнатиш, фан, маданият ва маориф соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга ҳисса қўшишдан иборат.

### МУСОБАҚАЛАР ЯКУНЛАНДИ

Республикамизда ўсмирлар уртасида утказилган анъанавий халқаро турнир мусобақалари яқунланди. Унда жаҳоннинг 13 мамлакатидан келган 92 нафар ёш теннисчилар қатнашишди. Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг теннис кортларида бўлиб утган мусобақаларда иқтидорли ёш спортчилар уз маҳоратларини намойиш этишди.

Худди шундай спорт турнири Наманганда ҳам бўлиб утди. Теннис буйича Халқаро ёшлар мусобақасида Марказий Осиё ва Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигининг бошқа минтақалари ва хориждан келган жами саксондан ортиқ теннисчи қатнашди. Унда республикамиз теннисчилари — орасингил Лилия ва Луиза Биктяковалар голиб бўлишди.

### НАВРҮЗ— БОҚИЙ БАЙРАМ

Азиз мухлислар, яна бир муҳим хабарни сизларга етказмоқчимиз. Аввал хабар қилинган «Наврўз — боқий байрам» танлови яқунланди. Унга кура Наврўз айёми эритишда ва танловда иштирок этишда алоҳида фаоллиги учун қатор газеталар билан бирга Сизларнинг «Тонг юлдузи» ҳам махсус диплом билан тақдирлангани бўлди. Бу Сизлар учун ҳам, жамоамиз аъзолари учун ҳам қувонарли хабар, шундай эмасми?

## «А» ЧИЛАР — АЪЛОЧИЛАР

Мактабимизда ҳар бир синф 50 тупдан мевали ва манзарали кучатлар утказиш мусобақаси эълон қилинган эди. Мусобақада ҳамма синф ўқувчилари фаол қатнашди. 10-«А» синф аълочилари 30 туп терак, 20 туп мевали даратх кучатларини утқаздилар. Натижада, мактабда жуда ажойиб боғ барпо бўлди.

**Наргиза НУТФУЛЛАЕВА,**  
**Бухоро вилояти,**  
**Ғиждувон туманидаги**  
**4-ўрта мактабнинг 10-«А»**  
**синф ўқувчиси.**



### «НЕКСИЯ» КИМГА НАСИБ ЭТДИ

Оламни елкада кутармоқ учун

Дунёга келади билсанг, эркаклар, — дейди шоир.

Ҳақиқий эркаклар олатда паҳлавон бўлишади. Миллий кураш эса — эркаклар кураши. Бу курашда полвонлар ҳалол олишади. Рақибни, ҳатто тиззаларига қўйиб юборишади. Оёқлаги эркакни йиқитишади. Ҳалол кураш шу-да асли.

Ал-Ҳаким Ал-Термизий хотирасига бағишланиб Термизда утказилган миллий кураш буйича халқаро турнирда голиблар — ҳақиқий эркаклар аниқ бўлди. Учинчи урин ва «Камолот» жамғармасининг «Тико»си чироқчилик Муҳаммаддуст Тошевга; иккинчи урин ва Сурхондарё вилоят ҳокимлигининг «Дамас»и бойсулик Тоштемир полвон Муҳаммадиевга; фахрли биринчи урин ва президент «Нексия»си елкаси ер искамган полвон Эрали Маҳмарасуловга насиб этди.

Эркакча курашда том маънодаги Алпомиш авлодлари, Сурхон воҳасининг полвонлари зафар кучди.

### ЮНОН-РИМ КУРАШИНИ БИЛАСИЗМИ?

Билмасангиз билиб қўйинг. Бу кураш буйича очик чемпионат Қозоғистонда бўлиб утди.

Очик чемпионатда қатнашган ҳамюртларимиз Григорий Пуляев (1-урин), Баҳодир Қурбонов (3-урин), Шермуҳаммад Қузиев ва Зафар Очиловлар ҳам 3-уринни эгаллаб юртга галаба билан қайтишди.

### МУАЙ-ТАЙ ЁКИ НОКАУТ

Самарқандда Муай-Тай (таиландча бокс) буйича мамлакат чемпионати яқунланди. Самарқандликларга биринчи урин, тошкентликларга иккинчи урин насиб этди. Бахтиёр Сатторов, Алишер Тухтамишев, Дилшод Набиевлар шахсий баҳеларда рақиблари устидан нокаут билан галаба қозонди.

### АРТУРНИНГ УКАЛАРИ

Фарғонада бўлиб утган республика бокс мусобақаларида 200 нафар ёш «чарм қўлқоп» устаси қатнашди. Биринчи урин ёш

фарғоналикларга, иккинчи урин Тошкент вилояти боксчиларига насиб этди. Олган уринларидан қатъий назар ёшлар — Артурнинг издошлари учун бу муҳим синов бўлди.

### УРГАНЧДА, САМБО МУСОБАҚАЛАРИДА

Мамлакатимиз ўсмирлари яна бир бор куч синашди. Ютуқ Бухоро, Хоразм, Сурхондарё полвонларида кетди.

### 72-ЎРИНДАГИ ГОЛИБ

Ким дейсизми? Шошмай турунчи...

Жаҳоннинг ун икки малакатидан келган 92 дан зиёд энг зур теннисчи Наманганда утказилган Халқаро теннис мусобақасида беаёв куч синашди. Гарчанд корт майдони ҳам, теннисчилар еши ҳам кичкина булса-да, уйинда катта маҳоратли уйинчилар

қатнашгани энди тула аён бўлди. Аввало, майдон эгалари — 7 дан 70 ёшгача бўлган наманганликлар жаҳоннинг энг номдор, энг умидли теннисчилари, уйиндан яйраган булса, уз навбатда хорижий спортчи ўсмирлар Наманганни бир умр эсдан чиқармасликларини тан олишди.

Жумладан, узининг энг умидли икки ўсмир шогирдини мусобақага олиб келган ҳиндистонлик Синхо: «Наманган — тоза ҳаво салтанати — муаттар чечаклар юрти экан», деди. Сунг у сузини давом эттириб: — Тоза ҳаво, илиқ меҳрингиздан шогирдларим руҳланиб умидли 70 уринни олди, деди. — Утган бу халқаро мусобақанинг энг афзал, энг муҳим томони голиб ўсмирларнинг халқаро теннис федерацияси олдида рейтинг очколари ошиши бўлди, — дейди покстонлик Ойсан ул Ҳақ. — Уйинчилар шунчалик кучли булса ҳам мана мен ўсмирлар уртасида фахрли 72-уриндаман, — деди у фахрланиб.

Ўрол ЎЗБЕК.

## АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

## Менинг мактабим

Ҳар бир саводли одамнинг уз мактаби булади. У уз мактаби билан, мактабдошлари билан фахрланиб, уларни ҳаяжон билан эслаб юради. Менинг ҳам фахрланса арзийдиган мактабим, устозларим, синфдошларим бор. Биз ўқиган 24-мактаб Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Қўштут маҳалласида жойлашган. У Туркистонда дастлаб очилган жадид мактаблардан бири бўлиб, салкам 90-йиллик тарихга эга. Айтиш мумкинки, бу мактаб тошкентлик машҳур зиёлиларнинг бир авлодини етиш-

қолган. Ака-ука Мирқосимовлар, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, кимёгар Тулқин Миркомилонларнинг фаолиятидан синфдош сифатида мен ҳам фахрланаман. Синфда бошланган дўстлик бир умр давом этар экан. Шунинг ҳам айтишим лозимки, синфдошларим турли касбни эгаллашди, ҳаммалари ҳам имкон қадар эл-юртга хизмат қилиб келишмоқда. Шуунингдан бир нарсага эътиборни қаратмоқчи эдим. Мактабдан етишиб чиққан барча машҳур кишилар уртаҳол оилаларда таваллуд топишган, шу

жаҳоншумул кашфиёти замирида кимёвий бир молекулани иккинчи бир кимёвий молекулага пайванд этиб, учинчи бир молекулани кашф этган, чунончи шу усул билан ҳатто 2000 даража иссиқда эрмайдиган кимёвий тола яратган. Ёки булмаса, Ҳамдам Усмоновнинг солиҳ ва муносиб шоғирларидан бири академик Тулқин Миркомилоннинг отаси марҳум Миркомил ака халқ маорифи ходими бўлган. Шунинг учун ҳам дўстим Тулқинжоннинг бугунги кунда Тошкент давлат техника университетида ректорлик

ни айланиб чиқдим. Синфдошларим куз олдимдан бирма-бир утишди. Мактабнинг директорлари Муҳаммад Шодмонов ва Карим Расулов, илмий мудар Юсуф Шокиров, адабиёт ўқитувчимиз Ҳамидулла Йўлдошев, математика ўқитувчимиз Зайниддин Камолов, рус тили ўқитувчимиз Капитолина Ивановна... ҳамма-ҳаммалари ажойиб инсон, меҳрибон устоз эдилар. Айниқса бошлангич синфларда дарс берган ўқитувчиларимиз Лутфи опа, Қутби опа, Улмас опаларнинг болаларга «ўқи, яхши одам буласан» дея қилган жонбозликлари замирида катта ижтимоий мазмун етганини ма-на энди орадан салкам ярим аср вақт ўтгач, тушуниб етгандек бўлиб турибман...

Маълумки, мактабларда биринчи кўнғироқ, сунги кўнғироқ каби маросимларини ўтказиш анъанага айланган. Биринчи кўнғироқ ўқувчиларни илмга чорласа, сунги кўнғироқ уларни ҳаётга даъват этади. Ана шунда академик шоир Фафур Гуломнинг «Билиб қуйки, сени Ватан кутади» деган машҳур шеъри едга тушади.

Мактаб кўнғироқларидан умр мазмуни бошланади. Ҳамма гап шунда эканки, бизлар «менинг мактабим» деб қанчалик гурунлансак, мактабимиз ҳам бизлардан «менинг ўқувчим» деб фахрлансин, бизлар шунга ҳар борада лойиқ булайлик. Мен бу галги мактабим зиёратидан шундай хулоса олиб қайтдим.

**Абдуқаҳҳор  
ИБРОҲИМОВ,  
ёзувчи.**



**Ақл ёшда  
эмас, бошда**

СИНФНИНГ  
КИЧКИНТОЙИ

У синфнинг энг кичкинтойи. Жуссаси кичик эканда, — деб уйламанг. Буй-басти ёшига мос. Фақат ёши кичик, ақли эса аксинча.

Дилшодбек 1-синфга чиққанида ўзбек алифбосидаги 35 та ҳарфни аллақачон ёд олиб қуйган, ҳар сафар дарс пайтида уз билимини намойиш этишга интилиб, машғулота ҳалал берарди. Алифбони мактабга чиққунича онаси Шарифа опадан урганган, айрим сузларни ҳижжалаб ўқишни ҳам ушлаштириб олганди.

Дилшодбек ҳисоб, расм дарсларида ҳам уз иқтидорини кўрсата олди. Шунинг учун ҳам у мактаб жамоаси қарори билан биринчи синфдан учинчи синфга «сақради». Лекин, 3-синфда ҳам «аранг» ўқиди. Ўқув дастурлари унга енгиллик қилгани учун 4-синфда ўқитиладиган фанларни ҳам бир йўла ушлаштира борди. Бир йилда икки йиллик ўқув дастурини урганиб қўйди.

Шунинг учун Дилшодбекка 4-синфда ўқиш насиб этмади. 3-синфдан 5-синфга «сақраб» ўтди.

Ҳозирда пойтахтимизнинг Миробод туманидаги Муқимий номи 154-мактабнинг 7-«М» синфида ўқиётган Дилшодбек Илёсов узидан катта болалар билан бир синфда аъло баҳоларга ўқимоқда. Айниқса, математика ва расм унинг жону дили. Устозлари унинг истеъдодига алоҳида гамхурлик кўрсатишяпти.

**Абдумалик  
АБДУРАҲМОНОВ.**



тириб берган. Жаҳонга машҳур олимлар Собир Юнусов, Яҳе Гуломов, Ҳамдам Усмонов, Карим Аҳмедов ва купина шунга ўхшаш машҳур номларни келтириш мумкин. Халқ артисти, кинорежиссер Малик Қаямов ҳам ушаларга синфдош. Бу эстафета кейин қирқинчи, эллингичи йилларда ҳам давом этди.

Мактабимдан, ўқувчилик йилларимдан, синфдошларимдан ёрқин таассуротлар

муҳитда униб-усганлар. Академик Ҳамдам Усмоновнинг онаси мисгар, отаси боғбон бўлишган. Отаси миришкор боғбон сифатида искана пайванддан тортиб, қуртак пайвандгача қўлаб мевали дарахтларнинг сифатини оширган. Қуш уясида курганини қилади, деганларидек, Ҳамдам ака болалигидан кузи пишиб, ҳар бир нарсага ижодий ёндошишни урганиб борган. У кейинчалик киме фани соҳасида қўлга киритган

қилиши, педагог сифатида фаолият кўрсатиши Миркомил академик утган, десак булади. Албатта, бизларнинг ҳаётда уз урнимизни топишимизга муҳтарам устозларимизнинг хизматлари бекиёсдир. Улардан бир умр миннатдоримиз.

Куклам — чечаклар мавсуми. Ҳамма ёқда униб-усиш, янгилашиш. Бу фаслда хотиралар қайтадан уйғонади. Утганлар ёдга тушади. Шу сабаб азиз мактабимда бўлдим, синф хоналарини

## БАҲОР МАНГУ, НАВРЎЗ АБАДИЙ

Дилдан-дилга кўчиб юрган Наврўз сурури оламга бойчечаклар ва чучмомалар нафасини уфурмоқда. Яшил кенгликларда варрак учираётган болакайларнинг завқу-шавқлари, ҳатто кўз илгамас баландликларда учиб юрган варракларидан-да баландроқдир. Айниқса, Успенский номидаги Республика мусиқа мактаби ўқувчиларининг қувончини айтмайсизми?

## Обуна — узлуксиз жараён

Уз газетамиз «Тонг юлдузи»га мактабимиз ўқувчилари синф-синф бўлиб обуна бўлишган. Ҳар сонини қўлма-қўл қилиб ўқишади. Газетада мунтазам бериб борилаётган ёш мухбирларнинг кичик-кичик хабар, мақолалари, айниқса, уларнинг диққатини узига тортади. Гоҳида болалар қўлларидан газета билан баҳслашиб ҳам кетишади. Ёки булмаса баъзилари бирон бир хабарни ўқимай ҳам қолиши мумкин. Шундай вақтларда газета йиртилиб кетганини ҳам сезмай қолишади. Шунинг учун ҳаммага фойдаланиш қўлай бўлсин

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» ҲАР  
БИР СИҲРАДА

деб, янги йилда синфда «Тонг юлдузи»ни таҳлам қилиб тикиб бориш учун жавобгар ўқувчи ҳам тайинланди. Энди болалар доимо газета таҳламларидан бемалол фойдаланишлари мумкин.

Мактабда ёш мухбирлар тугараги тузилган. Адабиётга, журналистикага қизиқувчи болалар шу тугаракнинг аъзолари. Шундай ёш мухбирларимиздан Муҳаббат Тураеванинг «Фанлар ҳафталиги» деб номланган мақоласи газетанинг апрель сониди босилиб чиқди.

Муҳаббатнинг қувонганини курсангиз эди... Бошқа мухбирларимизнинг ҳам Муҳаббатга ҳаваслари келиб, иложи борича улар ҳам доимо газета билан ҳамкорлик қилишмоқчи.

1997 йил сентябрь ойида Бухорои Шарифнинг 2500 йиллик туйи нишонланади. Шу сабаб ёш мухбирларимиз мактабимизда, туманда утадиган турли куриклар, байрам тадбирлари ҳақида «Тонг юлдузи» ўқувчиларини мунтазам таништириб бориш ниятидадир.

**Тўракул ТУРСУНОВ,  
Бухоро вилояти, Фиждубон туманидаги 4-ўрта  
мактаб.**

## Тарона

Мазкур мактабда ўтказилган «Наврўз» байрам фестивалига Республика хореография билим юртининг ҳамда Республика махсус иқтисодий гимназиясининг ўқувчилари ҳам таширф буюришди. Насиба Мадраҳимова раҳбарлик қилаётган раққоса қизлар тўғараги ва «Ур хо, сур хо» ижодий гуруҳининг чиқишлари байрамга файз киритди.

Фестивалга ҳомийлик қилаётган «Бешёғоч» фирмаси ўзининг ажойиб совғалари билан байрам қатнашувчиларни руҳланштириб юборди.

Юртимизга меҳмон бўлиб турган наврўзимиз кишилар қалбида абадий қолсин, дея тилак қиламиз.

**Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА.**



# ЙУЛЛАР ТОШКЕНТДА ТУТАШАДИ...

## КИНО — «ХАРАКАТЛАНУВЧИ ТАСВИР» ДЕГАНИ

Болалар, сиз киномани яхши кurasиз, албатта.

«Ойнаи жаҳон» курсатувларининг ҳафталик дастурини олган заҳоти, «Болажонлар экрани», «Ёрилтош», «Мульткарусел», «Эртақларнинг сеҳрли олами» сингари кинокурсатувларини излашингиз ҳам аниқ.

Турган гап, «Шум бола», «Маугли», «Робинзон Крузо», «Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари», «Тангалик болалар», «Зумрад ва Қиммат» сингари бадиий фильмлару-мультфильмларни қайта-қайта томоша қилгансиз.

Арнольд Шварценеггер ва Силвестер Сталлоне, Брюс Ли ва Мидхун Чакраборти, Шоҳруҳ Хон ва Амирхон сингари жаҳонга машҳур киноактёрларни яхши биласиз, уларга ҳавас қилиб юрасиз.

Лекин, ана шу — КИНО деган муъжиза қандай пайдо булганини биласизми? Булмаса, эшитинг!

Кинематография дегани грек тилидаги «Кинематос» ва «графо» сузларидан ясалган бўлиб, «ҳаракатланиш» ва «тасвир» деган маънони аңлатади. Демак, «кинематография — ҳаракатланувчи тасвир» дегани.

Кино санъати аввалига, «соқов кино»дан бошланган. Яъни, XIX-асрнинг охирига келиб, биринчи суратга олинган фильмлар овозсиз бўлиб, томоша курсатилаётган вақтда куйлар чалиб туришган.

XX асрнинг бошларидан «овозли кино», асримизнинг 30-йилларидан эса «рангли кино» суратга олиш бошланган.

Қизиги шундаки, сиз болалар севиб томоша қиладиган мультфильмларнинг ёши бошқа кинофильмлардан анча «қатта» экан. Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, суратлардан иборат «мультипликация» 1877 йили дунёга келган экан.

Болалар, мана шундай қилиб, сиз кино санъати ҳақида озми-купми тасаввурга эга булдингиз. Булмаса, энди навбат кинофестивалларга — яъни «кино байрамлари»га...

## «УЧРАШУВЛАР ДАВОМ ЭТАДИ»

Балки, газета ва ойнотмалар саҳифаларида уқиган ё радио ва «Ойнаи жаҳон» орқали курган, эшитган чиқарсиз.

Ҳар йили дунёнинг унлаб мамлакатларида турли-туман, катта-кичик кинофестиваллар утказиб турилади. Уларда ер юзининг турт тарафидан келган кино санъаткорлари — режиссёрлар ва актёрлар, операторлар ва рассомлар янги суратга олган фильмлари билан иштирок этадилар, бир-бирлари билан яқиндан танишадилар, баҳолайдилар, келажакда ҳамкорликда янги фильмлар яратиш учун узаро шартномалар тузадилар.

Дунёда бунақа кинофестиваллар жуда кўп. Уларнинг энг машҳурлари — Канн, Сан-Ремо, Венеция, Неаполь, Лос-Анжелес ва Тулуза Халқаро кинофестиваллари ҳисобланади. Улар орасида Халқаро Тошкент кинофестивали ҳам алоҳида, узига хос урин тутати. Дейиш мумкин.

Халқаро Тошкент кинофестивали 1968 йилда ташкил этилган бўлиб, аввалига унда Осиё ва Африка мамлакатлари киноижодкорлари қатнашган булсалар, кейинчалик иштирокчилар қаторидан Лотин Америкаси мамлакатлари ҳам урин ола бошлаган эдилар.

Шуниси диққатга сазоворки, уша кезлари Ангола, Мозамбик, Гвинея, Лаос, Эфиопия сингари давлатлар узларининг илк киноасарларини Тошкент кинофестивали орқали намойиш этиш имкониятига эга булгандилар. Агар бошқачароқ қилиб айтадиган булсак, Тошкент Халқаро ки-



*Болалар, мақола муаллифи ёзувчи Эркин Усмоновнинг илк асарлари эълон қилинганда, у ҳам сизга ўхшаган ўқувчи бўлиб, бизнинг «Учқун» тўғрагимиз азбоси эди. Тўғрак ҳамон фаолият кўрсатмоқда. Тохир Малик, Сафар Барноев, Мурад Хидир, Барот Исроиллар бошқарган тўғрак машғулотларини энди Абдужалил Хўжамов олиб бормоқда. Ҳар ойнинг биринчи чоршанбаси, тушдан кейин сизни газета биносида кутамиз.*

*Унлаб китоблар муаллифи Эркин Усмонов ҳам сиз билан учрашиш, болаликка қайтиб сизга бетакрор таассуротларини сўзлаб бериш ниятида тарихий анжуман — Тошкент кинофестивалини атрофлича ёритишни ўз зиммасига олди. Раҳмат сизга, Эркин ака!*



нофестивали жаҳон киносанъаткорлари имтиҳон топширадиган, узига хос нуфузли «минбар» бўлиб қолганди.

Эсимда бор, жуда кўп машҳур фильмлар илк марта пойтахтимиз экранларида курсатилган, Осиё, Африка, Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларидан таширф буюрган меҳмонлар сафида биз-Раж Капур ва Туркон Шарай,

Амитабх Баччан ва Бабитта, Суйменқул Чўқморов ва Хема Малини, Армандо Роблес ва Зиннат Омон сингари дунёга машҳур кино юлдузларини курган, учрашган, суҳбатлашган эдик.

Улар ким булишларидан, ёшлари, миллатлари, тилларидан қатъий назар, тинчлик ва барқарорлик, дустлик ва ҳамкорликка даъват этишган, жаҳон киносанъати ана шу эзгу йулда хизмат қилиши кераклигини қайта-қайта таъкидлаган эдилар.

Бугун биз, ана уша-қўплар орзу қилган даврга, Истиқлол йилларига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ҳақиқатан ҳам, кино санъати умуминсоний гоялар йулида хизмат қилиб келмоқда.

Шу маънода, бундай анжуманларни бир мақсад йулидаги кишилар учрашадиган бекатта ухшатиш мумкин. Нав-

## «Олтин Ҳумо» баланд учади

батдаги бекат эса аниқ: Узбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Халқаро кинофестивал...

Демак, дустона учрашувлар давом этади...

## «ХУШ КЕЛИБСАН, ФЕСТИВАЛ!»

Хабарингиз булса керак, шу йилнинг 22-29 май кунлари навбатдаги анъанавий XII—Халқаро Тошкент кинофестивали булиб утади. Бу кино байрами мамлакатимиз маданий-маънавий ҳаётида катта воқеа булиши аниқ. Унинг ҳам турли учрашувларга, янги фильмларга бой булиши кутилмоқда.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан бу анжуманга тайёргарлик куриш ва утказиш юзасидан махсус қарор қабул қилинган. Шу кунларда эса, жуда кўп идора ва ташкилотлар, хусусан, «Узбеккино» Давлат-акционерлик компанияси бу йулда катта ишларни амалга оширмоқда.

Сунги маълумотларга қараганда, Халқаро Тошкент кинофестивалида 60 та яқин давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларининг иштирок этиши кутилмоқда.

Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Малайзия сингари 25 та мамлакат кино иждоқкорлари фестивал курик-танловида қатнашадилар.

Англия, Америка, Франция, Япония, Миср сингари 28 та давлат кино усталари яратган фильмлар эса ахборот тарзида намойиш қилинади.

дустлиги сабаб, дунё киноусталари яна Тошкентга отланадилар.

Бир қараганда бу анжуманни ҳам аввалги Халқаро Тошкент кинофестивалларининг давоми деб қабул қилиш мумкин. Лекин бу сафарги фестивал республикамиз мустақилликка эришган бир даврда утказилишининг узидек унга узгача файз, узгача шуқуқ бағишлайди.

Бу нарсани фестивалда голиб чиқадиган фильмлар учун таъсис этилган мукофотлардан ҳам сезиш қийин эмас.

Масалан, фестивалнинг



«Гран-при» сифатида таъсис этилган бош мукофоти — «Олтин Ҳумо» деб аталади.

Сиз болалар эса, Ҳумо қуши мустақил давлатимизнинг рамзи эканлигини яхши биласиз. Шунинг учун ҳам бу соврин фестивалда биринчи уринни олган фильм иждоқкорларига берилади.

Бундан ташқари, фестивал мукофотлари орасида — «Олтин арча», «Олтин лола», «Семург» сингари совринлар ҳам мавжуд бўлиб, улар мармар, биллур, бронза ва латун сингари қимматбаҳо маъданлардан ишланган. Улар энг яхши санъаткорларга топширилади. Фестивал Ҳакамлари ҳайбатига эса машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов раислик қилади.

Бу анжуманнинг энг диққатга сазовор томонларидан яна бири шундаки, фестивал доирасида узбек киносанъатининг асосчилари-биринчи узбек оператори ва фоточиси Худойберган Девонов ва машҳур кинорежиссёр Наби Ганиевларнинг ҳозирда нодир тарихий мулкка айланиб қолган фильмлари ҳам намойиш этилади.

Фестивал иштирокчилари бир ҳафта давомида серкуёш Узбекистон тупроғида меҳмон буладилар, Самарқанд ва Бухоро сингари шаҳарларнинг тарихий обидалари билан танишадилар.

Ана шулардан ҳам қуринадики, Тошкент жуда катта кино байрамига пешвоз чиқиш арафасида турибди.

Демак, Тинчлик ва Дустлик, Ҳамкорлик ва Биродарлик йуллари яна Тошкентда туташади.

Биз эса, уша кунларни орзиқиб кутамиз ва тез орада «ХУШ КЕЛИБСАН, ФЕСТИВАЛ!» дея, гуллар тутамиз.

**Эркин УСМОНОВ.**



## Осмон остидаги музей шаҳар

Маълумки, бу йил қўхна ва ҳамеша навқирон Бухорои Шарифнинг 2500 йиллиги нишонланади. Хуш, мамлакатимизнинг қўхна ва йирик шаҳарларидан бири булган Бухоро ҳақида нималар биламиз? Келинг, яхши бу қадимий, оқсоқол шаҳар тарихи билан қисқача танишиб чиқайлик.

Бухорхудотлар асос солган бу қадим шаҳар азиз авлиелар, улуг шайх ва олим уламолар яшаб утган муқаддас юрт. Пайгамбаримиз ҳадисларини тўплаб китоб яратган буюк муҳаддис Имом Бухорой, табобат илмига асос солган Абу Али ибн Сино, машҳур тарихчи олим Наршахий, қарийб етти асрдан буён қабридан таралаётган нур бутун Марказий Осиёни қам-

раб олган улу Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Абдуҳолик Гиждувонийлар ватани. Бу табаррук заминда тугилганлар илм олишга иштиққанд, зукко булгани сабаб бу жой «Қубатул Ислому» номини олган. Меъморий обидаларга бойлиги боис эса уни «Осмон остидаги музей шаҳар» ҳам дейишади. Ривоят қилишларича, аслида у илм пайдо булган даврда «Фохира» деб юритилган. Фохира арабча фахр сузидан олинган булиб, фахрли, шарафли, муқаддас маъносини англатади. Шу боис булса керак асрлар давомида авлодлар уни Бухорои Шариф деб атаб келишади. Бухоронинг етти иқлимга машҳурлиги шундаки, бу ерда асосан жаҳоннинг энг билимдон олимлари йиғил-

ган булиб, қатор мадрасаларда диний ва дунёвий фанлар ургатилган. Мағрибу Машриқнинг толиби илмлари олий таълимни Бухорода — стук мутахассис шайхлардан келиб урганишган.

25 асрлик бу қўхна шаҳар бир неча жангу-жадалларни бошидан кечирган. Амир амалдорлар асосан шу жойни пойтахт қилиб белгилашгани учун бу ерда санъат, маданият, халқ миллий-амалий хунармандчилиги ривожланган. Бухорода узига хос заргарлик, зардузлик, каш-

тачилик, кулолчилик, темирчилик ва бошқа қўлаб ҳунарлар мавжуд булиб, бухороликлар айни кунда ҳам ота-боболари удумини давом эттирмоқдалар.

Айни кунда Бухоро гуллаб-яшнаган, гузал ва сеҳрли бир шаҳар. Пастак-пастак уйли Эски шаҳар маҳаллалари, осмонупар Минораи Калон, салобатли мадраса-масжидлар, амирлар қасри, қалъаларни куриб, эртаклар оламига кириб қолгандек, ҳайратга тушасиз. Янги ша-

ҳардаги қўлаб қаватли замонавий бинолар, мактаб, боғчалар, олий ўқув юрти даргоҳларини куриб, ажабтовур сеҳрли мамлакатдан бошқа бир кўркем мактабга тушиб қолгандек ҳис қиласиз ўзингизни.

Шифокор шоир Аҳмаджон Самадов шаҳарнинг қўлуг туйига атаб «Мен — Бухоро фарзанди» қасиласини ёзди.

Мозийлардан нишони  
Сиевуш қаҳрамони,  
Туронзамин бустони,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Бухорхудот дилбанди,  
Сулдиёна пайванди,  
Оллоҳнинг ихлосманди,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Искандарни этган лол,  
Дорони хижил-малол,  
Исломда Қутби Ҳилол,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Расулulloҳ нуриман,  
Абу Ҳафс дил қуриман,  
Тариқат гуруриман,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Имом Бухорий офтоб,  
Сино ҳикматда ноёб,  
Пири муридлар аҳоб,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Паноҳим Шайхул олам  
Дастгирим Гавсул Аъзам,  
Хожаи Жаҳон ҳамдам,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Шайхурраис номим бор,  
Табаррук каломим бор,

Шаҳар дилоромим бор,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Наршахийни меҳриман,  
Баҳоуддин сеҳриман,  
Донишни сипеҳриман,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Фитратман — илми дарее,  
Хужасман — Файзулло,  
Халқ учун жони фидо,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Бобоқул дуториман,  
Фазлитдин танбуриман,  
Шоҳназар уфориман,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Айнийман, доно сузим,  
Иброҳим Мумин узим,  
Ашрафий дилбар сузим,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Жаббор Саттор деҳқонман,  
Шариф, Нурхон боғбонман,  
Азимжон қаҳрамонман,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Пайравингман мафтункор,  
Уста Ширинман меъмор,  
Иқромийман ижодкор,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Забоним ширу-шакар,  
Исҳоқбек бобом заргар,  
Усто Салим афсунгар,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Султон Жура, жон фидо,  
Раззоқ Ҳамро дилрабо,  
Олим Хужа дилоро,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Шоҳрудимда зар оқар,  
Зарафшон тула гавҳар,  
Бухоро қўлуг минбар,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Фохирам бор, фаҳрим бор,  
Хурриятдан таҳтим бор,  
Заҳматқаш халқ, бахтим бор,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Шаҳрим гуё афсона,  
Муъжизали кошона,  
Санъат аро ягона,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Минорлар осмонупар,  
Тоғлар салқин — жилвагар,  
Байтуллоҳдай масжидлар,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Тариқат гулистони,  
Маърифатнинг бустони,



Пок имондилар кони,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Ҳар қадамда авлие,  
Бир шайх ё валиюллоҳ,  
Қўлуг қадам қўйган жо,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Қуббатул Ислому дин,  
Қуввати Ислому дин,  
Шарафли эл — нозанин,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Куръони Карим қўлда,  
Ҳадиси Шариф тилда,

Оллоҳнинг зикри дилда,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Бошида Ҳумо боли,  
Ёруғ, порлоқ иқболи,  
Васфинг ёзар Ниҳолий,  
Мен — Бухоро фарзанди.

Тупроғи зар-туғие,  
Суви минг дардга шифо,  
Арш томон сочар зиё,  
Мен — Бухоро фарзанди.

**АҲМАД САМАДОВ,  
Ситораи Моҳи Хосса.**



Киноларда қўрган, эртакларда эшитган нарсаларимиз хотирамизда доимо сақланиб қолади. Бури дейишга айниқса, кечалари қўқамиз. Биз болалар бури ёвуз, бераҳм

эканлигини яхши биламизда!

Менинг тоғам ёшлиқларидан бури билан бир кеча меҳмон булган эканлар. Қандай қилиб дейсизми? Булмаса

эшитинг.

Кунлардан бир куни худди қизил шапкачадек, тоғам бувиларига овқат олиб кетаётсалар тугриларидадан бир нарс келаётганмиш. Атроф қоронғу булганлиги учун тоғам ит булса керак деб уйлабдиларда, тез-тез уйга етиб олай деб, югура бошлабдилар. Аммо ҳалиги нарс тоғам томонга яқинлашган сари хунук увиллабди. Кузлари йилт-йилт этиб борган сари қаттиқроқ увиллабди. Тоғам унинг бури эканлигини билибдиларда, тез уйлаб утирмай ёнларида турган тут дарахтига чиқиб

олибдилар. Ҳалиги бури етиб келиб дарахт атрофида айлана бошлабди. Олдинига тоғам роса қўқибдилар, кейин эса бурининг ҳолатини куриб тутнинг энг баланд шохига ўрнашиб олиб бемалол утирибдилар. Шу орада тонг ҳам отибди. Уйқусизликдан чарчаган тоғам тонгга яқин тут устида ухлаб қолибдилар. Эрталаб бу йўлдан утиб кетаётган одамлар тут дарахти устида бир одам ухлаб ётганини куришибди ва — «Ие, бу узимизнинг Эргашвой-ку», — деб уйғотиб, нима гаплагини сурашибди. Тоғам булган

**Кунлардан бир кун**

воқеани завқ билан сузлаб берибдилар.

Ҳазил қилиб, шеригим ҳам бор эди, қани у, дебдилар. Одамлар ишонмай турганларида яна тоғам биз бури билан бирга меҳмон ҳам булди деб, буш товоқни курсатибдилар.

**Хуршида**

**БОЙМИРЗАЕВА.**

**Мирзо Улугбек**

**туманидаги**

**248-мактабнинг 3-**

**синф ўқувчиси.**

**ТОНГ ЮЛДУЗИ**

**Муассислар:**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ**

**Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА  
Таҳрир хайъати:**

**Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора  
ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-  
РАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Исфандиёр  
ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.**

ИВМ компьютерида терилди ва  
саҳифаланди. Оффсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-0225.  
11960 нусхада босилди.  
Қоғоз бичими — А-3.  
Босилишга тошпириш вақти 19.00  
Толпирилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтин тартиби  
№ 000137  
• Маълумият: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кучаси,  
32-уй.  
• Нашр курсаткичи: № 64563  
• Телефон:  
33-44-25